

Impact Factor: 4.972

ISSN: 2181-0788

DOI: 10.26739/2181-0788

www.tadqiqot.uz

IJC

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS KONSENSUS XALQARO JURNALI



VOLUME 4, ISSUE 2

2023

KONSENSUS XALQARO JURNALI

4 JILD, 2 SON

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS
VOLUME 4, ISSUE 2



Bosh muharrir | Chief Editor:

JO'RAYEV NARZULLA QOSIMOVICH

siyosiy fanlar doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Deputy Chief Editor:

SAIDOV SANJAR SHAVKATOVICH

siyosiy fanlar doktori (DSc),
O'zbekiston Respublikasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Deputy Chief Editor:

ZAMONOV ZOKIR TURG'UNOVICH

siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD),
O'zbekiston Respublikasi

TAHRIRIY MASLAHAT KENGASHI | EDITORIAL BOARD

ALIMARDONOV TO'LQIN
siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

ANITA SENGUPTA
siyosiy fanlar doktori, professor
Hindiston Respublikasi

BAYDAROV ERKIN
falsafa fanlari nomzodi, professor,
Qozog'iston Respublikasi

GREGORY GLEASON
siyosiy fanlar doktori, professor
Amerika Qo'shma Shtatlari

FARMONOV RAHMON
tarix fanlari doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

JO'RAYEV SAYFIDDIN
siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

JENNIFER MURTAZASHVILI
siyosiy fanlar doktori, professor
Amerika Qo'shma Shtatlari

MAMADAZIMOV ABDUGANI
siyosiy fanlar nomzodi, dotsent,
Tojikiston Respublikasi

MADAYEVA SHAXNOZA
falsafa fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

KHOLMUMINOV JAFAR
falsafa fanlar doktori,

NURMATOVA GULSAYRA
siyosiy fanlar doktori, professor,
Qirg'iziston Respublikasi

QIRG'IZBOYEV MUQIMJON
siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

QO'CHQOROV VAHOB
siyosiy fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

QODIROV ANVAR
falsafa fanlar doktori, professor,
O'zbekiston Respublikasi

ONO MASAKI
falsafa doktori, professor
Yaponiya

TOLIPOV FARXOD
siyosiy fanlar nomzodi, dotsent
O'zbekiston Respublikasi

VASILY NIKULENKO
tarix fanlari nomzodi, dotsent,
Rossiya Federatsiyasi

CHANDER SHEKHAR
falsafa doktori, professor,
Hindiston Respublikasi

Mas'ul kotib | Responsible secretary:
TO'YCHIYEVA RA'NO
O'zbekiston Respublikasi

PageMaker | Sahifalovchi: Xurshid Mirzahmedov

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000


Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

1. Юсуф Исмаилов СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР КОМПАРАТИВИСТИКАНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА (Германия ва Ўзбекистон қиёсий мисолида).....	5
2. Санжар Саидов ГЛОБАЛ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲОЯСИНИНГ УНИВЕРСАЛЛАШУВИ.....	11
3. Абдурашид Анваров СИЁСИЙ ОНГ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	21
4. Maftuna Rajabova GLOBALLASHUV VA TOLERANTLIK: SIYOSIY DISKURS.....	26
5. Sirojiddin Azimov XALQARO MUNOSABATLAR TIZIMIDA DAVLAT IMIJINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI.....	35
6. Аббосхонова Нилуфархон Аббосхон қизи СИЁСАТШУНОСЛИКДАГИ ЯНГИ ФАН ЙЎНАЛИШИ – СИЁСИЙ МИГРАЦИОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТИ.....	40
7. Саидова Сайёра Алишер қизи ҒАРБ МАМЛАКАТЛАРИДА ДИН ОМИЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ.....	46

**JOURNAL OF
INTERNATIONAL
CONSENSUS**

Аббосхонова Нилуфархон Аббосхон қизи,
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли
кадрлар тайёрлаш институти тадқиқотчиси

**СИЁСАТШУНОСЛИКДАГИ ЯНГИ ФАН ЙЎНАЛИШИ – СИЁСИЙ
МИГРАЦИОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРЪ АҲАМИЯТИ**

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8373165>

АННОТАЦИЯ

Мақолада глобаллашув даврида миграциянинг ижтимоий-иқтисодий ҳодиса тоифасидан тобора сиёсий феномен тусини олиш тенденцияси кучаётганлиги, шу сабабли сиёсатшunosлик фанлари контекстида миграция ва сиёсий жараён ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилишнинг концептуал схемасини ишлаб чиқиш ҳамда янги илмий йўналишни шакллантириш зарурати, сиёсатшunosлик фан соҳасида алоҳида сиёсий миграциология йўналиши доирасида тадқиқ этиш долзарблиги илмий таҳлиллар асосида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Миграция, миграциология, тенденция, глобаллашув, сиёсатшunosлик, тадқиқот, минтақавий, маҳаллий, модеренизация, толерантлик, халқаро муносабатлар.

Abboskhonova Nilufarkhon Abboskhon qizi
Applicant at the Institute for Research of the Youth
Problems and Training Perspective Personnel

**THE IMPORTANCE OF POLITICAL MIGRATIONOLOGY AS A NEW
DIRECTION IN POLITICAL SCIENCE****ABSTRACT**

The article, based on scientific analysis, examines the increasing trend of migration transition from the category of a socio-economic phenomenon to a political one in the era of globalization, the need to develop a conceptual scheme for analyzing the relationship between migration and the political process in the context of political sciences and the formation of a new scientific direction, the relevance of research in the field of political science within the special direction of political migration.

Key words: Migration, migration science, trend, globalization, political science, research, regional, local, modernization, tolerance, international relations.

Аббосхонова Нилуфархон Аббосхон қизи
Соискатель института изучения проблем
молодежи и подготовки перспективных кадров

**ВАЖНОСТЬ ПОЛИТИЧЕСКОЙ МИГРАЦИОЛОГИИ КАК НОВОГО
НАПРАВЛЕНИЯ ПОЛИТИЧЕСКОЙ НАУКИ**

АННОТАЦИЯ

В статье на основе научного анализа исследованы усиление тенденции перехода миграции из категории социально-экономического явления в политическое в эпоху глобализации, необходимость разработки концептуальной схемы анализа взаимосвязи миграции и политического процесса в контексте политических наук и формирования нового научного направления, актуальность исследований в области политологии в рамках специального направления политической миграции.

Ключевые слова: Миграция, миграциология, тенденция, глобализация, политология, исследование, региональный, локальный, модернизация, толерантность, международные отношения.

КИРИШ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ.

Жаҳонда глобаллашув жараёнининг тобора кенгайиб бориши ҳамда иқтисодий-ижтимоий тараққиёт нафақат технологиялар, ахборот алмашинуви, рақамли иқтисодиёт, экологик муаммолар, аҳолининг ўз ҳудудидан бошқа ҳудудларга кўчиб ўтиши каби жаҳон тенденциялари ва ижтимоий ривожланиш омилларига, балки турли давлатлар ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳамкорлигининг фаоллашувига боғлиқ ҳолда кечмоқда. Миграциянинг ҳозирги вақтда ижтимоий-иқтисодий ҳодиса тоифасидан тобора сиёсий феномен тусини олиш тенденцияси кучаймоқда. Шу сабабли сиёсатшунослик фанлари контекстида миграция ва сиёсий жараён ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилишнинг концептуал схемасини ишлаб чиқиш ҳамда янги илмий йўналишни шакллантириш зарурати долзарбланимоқда.

Дунё илм-фанида сиёсий жараёнлар ва миграция ўртасидаги муносабатларни тушуниш, улар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг моҳияти, характери ва йўналишини аниқлаш миллий ва минтақавий сиёсий жараёнларни тадқиқ этишнинг муҳим элементига айланиб улгурди. Бу борада Chatham House (Буюк Британия), Халқаро муносабатлар бўйича кенгаш (CFR АҚШ), Стратегик ва халқаро тадқиқотлар маркази (CSIS АҚШ), Брукингс институти (АҚШ), Халқаро муаммоларни тадқиқ этиш Сотголл институти, Миграция тадқиқотлар маркази (РФ) каби йирик халқаро тадқиқот марказлари томонидан глобал миқёсда ҳамда давлат даражасида замонавий сиёсий жараёнлар ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий маконнинг интеграциялашуви шароитида миграция жараёнларининг кучайиши фонини тадқиқ этиш долзарб масала сифатида ўрганилмоқда. Тадқиқотларга кўра геосиёсий ўзгаришлар муқаррар равишда янги миграция тўлқинларини пайдо қилиб, унга боғлиқ бўлган барча муаммолар, шу жумладан ёшлар миграцияси омилини глобал масала даражасига кўтаради. Бу эса ушбу жараёнларга бевосита ва билвосита алоқадор бўлган минтақа ва мамлакатлардаги сиёсий ҳаётга ўз таъсирини ўтказмоқда. Сиёсий таълимотлар призмаси орқали миграция тўлқинларини бошлаш омилларини, механизмларини аниқлаш ва таҳлил қилиш зарурати диссертация тадқиқоти мавзусини долзарблигини янада оширади. томонидан глобал миқёсда ҳамда миллий даражада замонавий сиёсий жараёнлар ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий маконнинг интеграциялашуви шароитида миграция жараёнларининг кучайиши фонини тадқиқ этиш долзарб масала сифатида ўрганилмоқда.

Миграция феномени сиёсий соҳага кириши (“сиёсат” ҳодисаси бўлиши) билан у асосан институтларни шакллантириш шарти ёки уларни трансформациясининг муҳим асоси бўлиб хизмат қилади. Масалан, ҳозирги вақтда миграция жараёнларининг сиёсий мазмуни уларнинг давлат яхлитлигига, унинг ягона сиёсий субъект сифатида мавжудлигига таъсири билан бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги замонда миграция жараёнларининг кўлами ва улар натижасида мамлакатлар, халқлар, цивилизацияларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар олимлар олдида уларни ҳар томонлама тадқиқ этиш вазифасини қўймоқда. Замонавий миграция жараёнлари сиёсий модернизация, глобаллашув, маконлар устидан назоратнинг янги босқичи (географик, иқтисодий, сиёсий, ахборот) оқибати бўлганлиги сабабли ва ўрнатилган сиёсий институтларга босим билан боғлиқ сиёсий

тенденцияда кечмоқда. Сиёсий ҳаётнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги ва миллий хавфсизликка таҳдиди билан сиёсий миграциология деб аташ мумкин бўлган яхлит махсус сиёсатшунослик назариясини яратиш зарурлиги ҳақида гапириш лозимлигини кўрсатади.

Миграция глобал, минтақавий ва маҳаллий даражада қабул қилувчи ва жўнатувчи мамлакатларда ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар омилидир. Бу бизнинг фикримизча, миграция жараёнларини таҳлил қилишда сиёсатшунослик билимларини қўллашни янада долзарблаштиради ва янги илмий йўналиш (тармоқ назарияси) сифатида - сиёсий миграциологияни ишлаб чиқиш заруратини аниқлатади.

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ.

Миграция ҳодисасини жамиятнинг сиёсий соҳасига киритиш, миграция жараёнлари моҳиятан “сиёсий” ҳодисасининг бир қисми эканлигини исботлаш, миграция омилига сиёсий юк, сиёсий асос бериш учун “сиёсат” ва “сиёсийлик” каби ҳодисаларни тўғри тушуниш даркор. Бизнинг бу ҳодисалар ҳақидаги тушунчамиз К.Шмиттнинг “Сиёсий тушунчалар” асарида келтирилган назарий мулоҳазалари асосида олинган [1].

Шундай қилиб, сиёсийлик деганда бу хар-ҳил субъектларнинг турли манфаатларини бирлаштиришга қодир, ўзаро уйғунлик ва қарама-қаршиликка эга бўлган ижтимоий яхлитлик тушунилади. У (бу ижтимоий яхлитлик) қудратли бирлашувчи омилга эга бўлиб, жамиятда турлича шаклларда намоён бўлади. К.Шмитт йўналишини давом эттириб, “сиёсийлик”нинг моҳиятини шакллантиради. Бу жамиятнинг (ёки унинг таркибий қисмларининг) ижтимоий мулк бўлиб, у аниқ қарама-қаршилик, "дўстлар" ва "беғона" ("душманлар")га аниқ ёки латент бўлиниш ҳолатида акс этади. Демак, жамиятнинг сиёсий моҳияти ўзини ягона ва суверен сифатида сақлаб қолишга интилишдан иборат бўлиб, унинг мавжудлиги бу йўналишдаги амалий фаолият сифатида намоён бўлади. Сиёсий фаолият мазмуни ижтимоий тузилмаларни, асосий институтларни (С.Кирдина терминологиясида) мавжуд яхлитликни сақлаб қолиш, уни бузиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқаришдан иборат.

Сиёсий ҳодисага таъсир қилувчи ва ижтимоий тенденцияларнинг ўзи билан боғлиқ бўлган, сиёсий ҳаётга, сиёсий тартибга таъсир кўрсатадиган миграция жараёнлари бугунги кунга келиб нафақат сиёсатчи-амалиётчиларнинг, балки сиёсатшуносларнинг ҳам диққат марказида бўлиб келмоқда.

Миграция жараёнининг сиёсийлашуви деганда миграция феномени томонидан ташкилий, институционаллашуви асосида қабул қилувчи/берувчи жамиятнинг сиёсий воқелигини ўзгартириш шароитида доминант ролни эгаллаши тушунилади. Бу жараён ўзининг маъно-мазмунига кўра объектив характерга эга.

Миграция жараёнлари ижтимоий хавфсизликнинг деярли барча кўрсаткичларига таъсир қилади. Бу, айниқса, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон каби кўп миллатли жамиятининг ижтимоий-сиёсий ва миллий-этник вазиятида яққол намоён бўлади.

Шулардан келиб чиқиб, миграция категориясининг ижтимоий-сиёсий асосларини ўрганиш, унинг таснифи ва асосий хусусиятларини илмий баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада сиёсатшуносликнинг янги йўналиши “Сиёсий миграциология” фанининг концептуал қарашларини шакллантириш, унинг назарий ва татбиқий функцияларини очиқ бериш мақсадга мувофиқдир. Айнан сиёсий миграциология фанининг ривожига эса Ўзбекистонда интинсив равишда ошиб бораётган миграция оқимлари ва жараёнларини сиёсий тартибга солиш борасида фундаментал илмий қарашларни шакллантиришга хизмат қилган.

Сиёсий фанларда миграция ва ёшлар миграцияси жараёнлари бўйича дастлабки қарашлар, уларнинг ривожланиш босқичлари тўғрисида хорижий олимлар Э.Равенстеин, Р.Кинг, Э.Руиз-Гелисес, Боэлес, В.Бохнинг, М.Балдвин-Эдвардс, Ж.Гарсон, А.Хюмман, Сара Калм, Р.Билсборров, Г.Хуго, А.С.Обераи, Х.Злотниклар[2] нинг илмий ишларида тақдиротлар олиб борган.

МДҲ олимларидан Ю.Г.Эфимов, В.С.Айрапетов, В.Я.Архипов, Ю.Е.Булатский, В.П.Мошняга, Ж.А.Заёнчковой, В.Мукомел, В.Бушков, Н.Лебедева, Д.Микулский, Г.Виктовская, В.Тишков, Э.Паин, Д.Драгунский, В.Переведенцев, В.Гелбрасар, Б.Хорев,

В.Ионсевлар[3] миграциянинг умумий назарияси ва уларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятининг турли жиҳатларини амалий таҳлил қилиш, аҳолининг умумий миграция ҳаракатчанлигини ўрганишнинг комплекс ёндашув ғоясига асосланган сиёсий миграциология илмий йўналишини очиб бериш борасидаги илмий тадқиқотларни кузатишимиз мумкин.

Шинингдек, Мамлакатимиз олимларидан Д.Джуннайдуллаев, Л.Х.Исоков, З.О.Мўминов, Д.Н.Муйидинов, Э.М.Мухитдинов, Ф.Я.Пармановлар[4] томонидан Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат сиёсати, миграцион жараёнларнинг жамият барқарорлигига таъсири, аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда меҳнат миграциясининг роли, миграция жараёнлари: трансформацияси ва интеграциялашув тенденциялари таҳлил этилган.

Шундай бўлсада глобаллашув даврида ёшлар миграцияси жараёнларининг ижтимоий-сиёсий жиҳатларини, миграция жараёнлари билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган муаммоларни сиёсатшунослик фан йўналишда алоҳида тадқиқ этиш бугунги кунда долзаб масала сифатида қолмоқда.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Сиёсий фан соҳасида миграциология ва айнан ёшлар миграциясини тадқиқ этиш учун, бир қатор вазифларни амалга ошириш лозим бўлади. Жумладан, сиёсий фанларда миграция ва ёшлар миграцияси категориялари бўйича дастлабки қарашлар, уларнинг ривожланиш босқичларини таҳлил этиш ва бу борадаги илмий-назарий тадқиқотларни тизимлаштириш;

замонавий сиёсий жараёнларда ёшлар миграцияси тенденцияларининг ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини назарий-методологик ва қиёсий ёндашувлар орқали таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда миграция жараёнларини тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

глобаллашув даврида миграция жараёнларининг ёшлар маънавиятига таъсирини турли илмий ёндашувлар асосида таҳлил этиш орқали халқаро миқёсдаги ижтимоий-сиёсий жиҳатларини ўрганиш;

мамлакатимизда ёшлар миграцияси феноменининг ўзига хос хусусиятлари ва истиқболларини илмий баҳолаш;

мамлакатда ёшлар ўртасида миграцион маданиятни шакллантириш, ёшларни жамиятга интеграция ва реинтеграция қилиш бўйича амалий таклифлар бериш;

глобаллашув даврида ёшлар миграцияси жараёнлари ва унинг ижтимоий-сиёсий жиҳатларини тадқиқ этишни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

ХУЛОСА.

Хулоса қилиб айтганда, миграциянинг мазмун-моҳияти, унинг турли даврлар ва ижтимоий-сиёсий шароитларда фаолияти борасидаги назарий қарашлар таҳлилини умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, миграция турли миллатга, урф-одати, ҳаёт тарзи, қадрият ва дунёқарашига эга бўлган инсонларнинг кўчиб юритишини англаувчи ҳуқуқий-сиёсий феномен сифатида талқин этилади. Унинг асосини эса тартибли, қонуний ва уюшган шаклда ташкиллаштириш, мазкур жараёнда жамиятда миллий ва диний толерантлик омилларини кучайтириш талаб этилади.

Замонавий дунёда миграция жараёни ҳам қабул қилувчи, ҳам тақдим этувчи жамиятнинг сиёсий ҳаётига таъсир қилишини ҳисобга олсак, яъни, миграция феномени ижтимоий, сиёсий, маънавий, иқтисодий вазиятнинг модификация қилиб унинг сиёсийлашувини тезлаштиради. Ушбу феномен Ўзбекистон жамияти учун ҳам ўта муҳим аҳамиятга эгаллигини эътироф қилиш орқали миграция жараёнларини сиёсий фанлар доирасида доимий равишда тадқиқ этиб бориш, мониторинг қилиш ва истиқболларини илмий башорат қилиш олдимизда турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Замонавий миграция жараёнлари сиёсий модернизация, глобаллашув, маконлар устидан назоратнинг янги босқичи (географик, иқтисодий, сиёсий, ахборот) натижаси бўлганлиги сабабли ва ўрнатилган сиёсий институтларга босим билан боғлиқ сиёсий юк, асосий белгиларнинг ўзгариши билан боғлиқ трансформацияларнинг амалга ошириши асносида

сийсатшуносликнинг янги фани – сийсий миграциология фанини киритиш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтибослар/References/Сноски

- [1] Шмитт К. Понятие политического // Вопросы социологии - 1992, - № 1.
- [2] King R. and Ruiz-Gelises E. (2003) “International Student Migration and the European year abroad: Effects on European identity and subsequent migration behaviour” International Journal of Population Geography, 9 (3), pp. 229–252. Baldwin-Edwards M. a- Schain M. The politics of immigration: Introduction // West Europ. politics. L., 1994. - Vol. 17; Bohning W. Integration and immigration pressures in Western Europe // Intern, labour rev. Geneva, 1991. - Vol.130, .No 4. -P. 448.; Hymman A. Moving out of Moscow orbit: the onlook for Central Asia // Intern affairs. L., 1993. Vol.69. -2.; Bilsborrow R.E., Hugo G., Oberai A.S., Zlotnik H. Geneva: ILO, 1997.- XII,441 p.; Garson, J.-P. Opening Mediterranean trade and migration // OECD observer. -P., 1998.-N209.-P. 21-24.; Sara Kalm. Governing Global Migration//University dissertation from Statsvetenskapliga institutionen, Lunds universitet.2008.; Boeles, P. Fair immigration proceedings in Europe. The Hague etc.: Nijhoff,1997.-XVin,510p.;No 2. - P.3.; Garson, J.-P. Opening Mediterranean trade and migration // OECD observer. -P., 1998.-N209.-P. 21-24.;
- [3] Ю.Г.Эфимов. Миграция в современном политическом процессе // диссертация доктора политических наук - Ставрополь, 2007. - 289 с. РГБ ОД, 71:07-23/50 Айрапетов В.С. Социальная адаптация вынужденных мигрантов и беженцев //Вестник РАН. - Т.63. - 1993. - № 10.; Архипов В.Я. Международная миграция рабочей силы в Азии (70-80-е годы). М., 1997.; Булатский Ю.Е., Мошняга В.П. Миграционные процессы и миграционная политика. - М., 1994.; Витковская Г.С. Вынужденная миграция: проблемы и перспективы. М.,1993.; Миграционная ситуация в странах СНГ. Под ред Ж.А. Зайончковской. М., 1999.; Донцов. Международные миграции населения и дипломатия.-М., Дипломатический ежегодник-96// научная книга, 1996.; Мукомель В Вынужденные мигранты в государствах СНГ. -М., 1997. Лебедев Н.М. Новая русская диаспора. Социально-психологический анализ. –М., 1995; Миграции и новые диаспоры в постсоветских государства / Отв.ред. В.А. Тишков. – М., 1995 и др. Витковская Г.С. Вынужденная миграция: проблемы и перспективы. – М., 1993; Миграция и урбанизация в СНГ и Балтии в 90-е годы // Нод ред. Ж.А. Зайончковской. – М., 199; Вишневецкий А.Г., Андреев Е.М. Население России в первой половине нового века //Вопросы экономики. - 2001, № 1; Иноземцев В.Л., Кузнецова Е.С. Глобальный конфликт XXI века. Размышления об истоках и перспективах межцивилизационных противоречий // Нолис. - 2001, № 6.; Тишков В.А. Основные направления российской политики по отношению к мигрантам и соотечественникам за рубежом. –М., 1997; Наин Э. Межнациональные отношения и миграция // Миграция. 1997.; Драгунский Д.В. Этнополитические процессы на постсоветском пространстве и реконструкция Северной Евразии // Нолис. - 1995, -.№ 3; Нереведенцев В.И. Миграция населения в СНГ: опыт прогноза // Нолис. - 1993, - № 2; Гельбрас В.Г. О восточной политике России // Pro et Contra. - 1998, том 3. - № 1; Гольдип Г.Г. Проблемы управления современными миграционными процессами // Зарубежный опыт государственного управления. –М., 1999.
- [4] Джунайдуллаев Д.А. Ўзбекистон минтакаларида аҳоли миграцияси ва уни тартибга солишни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш ушун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012; Исоқов Л.Х. Ўзбекистонда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари Юридик фанлари фалсафа доктори (PhD) Автореферати: 12.00.02- Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи, Тошкент, 2020. –Б. 53. ; Мўминов З.О. Ички миграция жараёнларида касбий мобилликнинг худудудий хусусиятлари, Социология фанлари фалсафа доктори (PhD) Автореферати: 22.00.03 Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси, Тошкент, 2022. –Б. 57.; Муйдинов Д.Н. Ҳозирги замон миграцион жараёнларнинг жамият барқарорлигига таъсири (Германия Федератив Республикаси мисолида), 23.00.02–Сийсий институтлар,

жараёнлар ва технологиялар (сиёсий фанлар). Тошкент, 2019. – В.74; Мухитдинов Е.М. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда меҳнат миграциясининг роли, Иқтисод фанлари фалсафа доктори (PhD) Автореферати: 08.00.10–Демография. Меҳнат иқтисодиёти. Самарқанд, 2019. – Б54; Парманов Ф.Я. Миграция жараёнлари: трансформацияси ва интеграциялашув тенденциялари, Социология фанлари фалсафа доктори (PhD) Автореферати: 22.00.03 – “Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси” (социология фанлари бўйича). Тошкент, 2021.



ISSN 2181-0796

Doi Journal 10.26739/2181-0796

KONSENSUS XALQARO JURNALI

4 JILD, 2 SON

INTERNATIONAL JOURNAL OF CONSENSUS

VOLUME 4, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000